Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (13.138)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги



ЎзА олган сурат

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Амир Темурнинг номи, бой мероси тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили давлатимиз раҳбари сўзбошиси билан "Темур тузуклари" мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.

Бу йил улуғ бобокалонимизнинг 680 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Анъанага кўра 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллуди куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жак-Анри Ольс ва бошқалар Амир Темур шахси, буюк хизматлари, жаҳон тарихидаги ўрни қадр топгани, Соҳибқирон сиймоси Ўзбекистон шаънашавкати тимсолига айланганини таъкидлади. Бу халқимизни улуғ мақсадларга сафарбар этиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат тимсоли сифатида юксак қадр ва эъзозга лойиқ. Соҳибқирон ўз даврининг энг қудратли давлати асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир.

Мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, фарзандларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги барча ислоҳотлар Амир Темур бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғун. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Улуғ аждодимиз ўз тузукларида "...амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар", деб ёзади. Бугун мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кенг имтиёзлар берилаётгани Соҳибқирон тутуми авлодлари томонидан ҳаётга жорий этилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Халққа доим меҳр-мурувватли бўлган Амир Темур адолат ва ҳақиқат учун курашган, салтанатни ҳам ана шу мустаҳкам асосга қурган.

Амир Темур даврида фуқародан биринг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, дарҳол керакли ускуналар етказилиб, ёрдам берилган. Бугун мамлакатимизда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, истеъмол кредитлари ажратиш кенг йўлга қўйилган. Бу билан қанчадан-қанча рўзғорлар бутланиб, халқимиз турмуш маданияти, дунёқараши ва диди юксалмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида 2016 йил 8 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикаси раислигида ташкил этилган мажлисда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш якунлари ҳамда ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижроси муҳокама қилинди. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган ШҲТ МАТТ Кенгашининг мазкур халқаро тузилманинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги талабларга жавоб бериши таъкидланди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан терроризм, сепаратизм ва экстремизм мақсадларида фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича Хитой Халқ Республикасида ўтказилган "Сяминь – 2015" биргаликдаги ўқув машқлари якунларига юқори баҳо берилди.

Мажлис иштирокчилари ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарлар, жумладан, халқаро террористик ташкилотлар томонидан бўлаётган хуружларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар юзасидан келишиб олди. Шунингдек, аҳоли ўртасида диний-экстремистик ғояларга қарши иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган ишларни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

2016 йилнинг IV чорагида ШҲТга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегациялари иштирокида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган тўртинчи илмий-амалий конференцияни ўтказишга келишилди.

2014 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш котибияти билан расмий алоқалар ўрнатган эди. Мажлисда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида шерикликни йўлга қўйиш мақсадида ШҲТ МАТТ ва ушбу ташкилот ўртасида ҳамкорликни назарда тутувчи ҳужжатлар лойиҳалари маъқулланди.

ШҲТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари рағбатлантирилди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан, молиявий таъминлаш, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши мажлиси ишчанлик ва амалий руҳда ўтди.

(ЎзА)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, қабул қилинган қарорлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилган йиғилишда Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли бошқарма ва идоралар, ташкилотлар вакиллари қатнашди.

● Бухорода фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан семинар ўтказилди.

● Нукусда "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, "Камолот" ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган 6 жамоа 12 шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

● Наманганда бугунги глобаллашув шароитида ёшларда интернет маданиятини юксалтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Японияннинг Хиросима шаҳрида етакчи давлатлар ташқи ишлар вазирлари иштирокида G7 саммити бошланди.

● Кеча Греция ва Македония ўртасидаги чегара атрофида рўй берган можаролар натижасида 300 га яқин муҳожир жабрланди.

● Покистон шимоли-ғарбидаги Хайбар-Пахтунхва музофотига бир неча кун давом этган кучли ёмғирлар натижасида хуруж қилган тошқин оқибатида 77 киши жабрланди. Табиий офат туфайли 929 та уй ҳамда бир нечта кўприк қулаб тушган.

● Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги олимпиадага спортчилар билан бир қаторда хавфсизлик хизмати вакиллари ҳам тайёргарлик кўрмоқда. Чунончи, иштирокчи ва меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 160 нафар махсус хизмат вакиллари, полициячилар ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокида ушбу шаҳарда икки ҳафталик ўқув-машқ машғулотлари бошланди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Шаран Барроу раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимизда бўлиб, ишчи-ходимларнинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий шериклик ва мулоқотни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари билан танишди.

Пойтахтимизда касаба уюшма фаоллари билан ўтказилган учрашувда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Ш.Барроу ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, соҳадаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида изчил ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан давлат ижтимоий буюртмаси шаклида қўллаб-қувватланган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Мазкур комиссия раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида аҳолининг барча қатламларини қўллаб-қувватлаш, жамоат ташкилотларининг фаоллигини оширишнинг мукаммал тизимига асос солинганини таъкидлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг оила, оналик ва болалик муҳофазаси, халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий, экологик маданиятини оширишга оид дастурлар ижросидаги иштироки тобора фаоллашмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунининг қабул қилингани ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид долзарб масалаларни ҳал этиш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда давлат органлари ва ННТларнинг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги Парламент комиссияси ижтимоий шериклик субъектларининг илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муҳим дастурлар ижросини ҳамкорликда амалга оширишда жамоат тузилмаларини кенг жалб этишга доимий эътибор қаратмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида Парламент комиссиясининг қарорига кўра 13 жамоат ташкилоти, оммавий ахборот воситаси, фуқаролик жамиятининг турли бўғини тақдим этган лойиҳалар ғолиб топилиб, улар давлат ижтимоий буюртмаси шаклида 2,3 миллиард сўмга қўллаб-қувватланди. Ғолиб бўлган фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган ғоялар ва ташаббуслар она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, навқирон авлоднинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ривожига қулай шароитлар яратиш, ўғил-қизларни миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат, она-Ватанга садоқат руҳида камол топтиришдек эзгу мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятлидир.

– Лойиҳамиз "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тиббий маданиятини ошириш" мавзуида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги унинг ижтимоий буюртмачисидир, – дейди Ўзбекистон врачлар уюшмаси ижрочи директори Зоҳид Абдураҳимов. – Унинг доирасида аҳолининг турли қатламлари тиббий кўрикдан ўтказилиб, маслаҳат, амбулатор-даволаш чоралари тавсия этилади. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга оид анжуманлар ташкил этилиб, тиббий маданиятни юксалтириш бўйича буклетлар тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

Тадбирда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон педиатрлар уюшмаси, Ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ёшлар кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотларининг танловда ғолиб бўлган лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЭКСПОРТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилнинг март ойидан бошлаб, Ўзмиллийбанк қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси мутасадди давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда республикамизнинг барча вилоят ва туманларида Президентимизнинг 2016 йил 16 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазмун моҳиятини тадбиркорларга етказишга бағишланган давра суҳбатларини ўтказиб келмоқда.

Мазкур туркумдаги давра суҳбатининг навбатдагиси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда мутасадди давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти томонидан тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини янада кенгайтириши ва ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиши йўлида кенг имкониятлар очиб берди. Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. "Made in Uzbekistan" ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида тобора ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Бу жараёнда мамлакатимиз раҳбарининг 2016 йил 16 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ишбилармонлар учун янги имкониятлар эшигини очди.

Тадбирда мазкур қарордан келиб чиқиб, тадбиркорлар учун яратилган янги имкониятлар, жумладан жамғарма устав капиталини 5,3 млрд. сўмдан 10 млрд.сўм ва 2 млн. АҚШ долларига оширилгани, жамғарма хорижий давлатларда ўз ваколатхоналарини очиш ҳуқуқига эга бўлгани, жамғарма хизматлари учун тўланадиган тўловлар 3 фоиздан 1 фоизгача туширилгани тўғрисида маълумот берилди.

— Яна шуни айтиш жоизки, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори ўринбосари Камолиддин Нурматов, — экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун етарли маблағлари бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари устав капиталида иштирок этиш, кейинчалик жамғарма улушини маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб бериш бошланганидан сўнг 2 йил мобайнида бозор қийматида сотиш, бундан ташқари Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш, маҳсулотнинг дизайн даражасини халқаро стандартларга етказиш мақсадида хорижий мутахассисларни жалб этиш ҳамда чет элда маҳаллий маҳсулотга бўлган талабни инобатга олиб, уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаган ҳолда молиявий ёрдам кўрсатиш кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари томонидан кейинчалик қайтариш шарти билан амалга оширилади.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда фаолият юритаётган БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва бошқа шу каби халқаро ташкилотларнинг ҳамда республика кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш тартиб-тамойиллари билан таништирилди.

Бу каби тадбирлар албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилиши, экспорт корхоналарини қўллаб-қувватлаш орқали улар сонининг янада кўпайишига хизмат қилади.

З.ШАРИФЖОНОВ



Ислом Исмоилов олган сурат

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу борадаги ислоҳотлар Соғлом она ва бола йилида янада кенгаймоқда. Соғлом ва мустаҳкам оила қуриш, меҳнат билан турмушини обод этиш, фарзандларининг ёруғ келажагини таъминлаш юртдошларимизнинг олий мақсадига айланган.

Маросимда шоир Сирожиддин Раупов "Соҳибқироним" шеърини ўқиб берди. "Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига – 680 минг қадам" шиори остида Шаҳрисабздан Тошкентга қадар пиёда келган 65 ёшли ҳаваскор спортчи Абдужаббор Холбоев Соҳибқирон руҳи унга маънавий куч бағишлагани ҳақида сўзлади.

Ёшлар Амир Темур бобомизнинг ибратли ҳаёти, адолатпарварликка йўғрилган фаолияти ҳақида дунё олимлари томонидан билдирилган фикрларни ўзбек, инглиз, рус, француз, япон ва бошқа тилларда ўқиб берди.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

* * *

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида "Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда темурийлар тарихига оид энг яхши тасвирий ва публицистик асарлар танлови ғолиблари тақдирланди.

Темурийларга оид дурдоналар, нодир қўлёзмалар, истиқлол йилларида Амир Темур ва темурийлар тарихи ҳақидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

СЕРЖАНТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсининг навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар битирувчиларни ўқишни муваффақиятли тамомлагани билан табриклаб, ички ишлар тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бугун бу соҳада замонавий касб кўникмаларига эга сержантлар тайёрланаётганлиги ҳамда улар тинчлик ва осойишталикни таъминлашда сидқидилдан хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида Ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишларда курсантлар таҳсил олади. Мазкур даргоҳни тамомлаган мутахассис кадрлар юртимизнинг турли ҳудудларида ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли бажариб келмоқда.

Тантанали тадбир муносабати билан ИИВ Академияси саф майдонига вазирлик раҳбарияти, соҳа ходимлари, курсантлар, битирувчиларнинг ота-оналари ва яқинлари ташриф буюрди.

– Халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш жуда катта масъулият, метин ирода ва юксак маҳорат талаб этади, – дейди битирувчи Аброр Аҳмедов. – Биз ўқиш давомида ўзимизнинг ана шу жиҳатларимизни шакллантиришга ҳаракат қилдик. Эндиликда бу ерда олган билимларимизни жамият барқарорлиги ва осойишталиги йўлида сарфлаймиз.

Абдували СОДИҚОВ

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учрашувда мамлакатимизда фуқароларнинг ўз билим ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилгани қайд этилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар моҳиятида аҳоли фаровонлигини юксалтиришдек мақсадлар мужассамлиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг асосий субъектлари сифатида ходимлар, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамда давлат органлари зиммасидаги муҳим вазифалар хусусида фикр юритилди.

– Ўзбекистонга илк бор келишимга қарамай, мамлакатингиздаги ҳамжиҳатлик ва жипслик менда илиқ таассурот қолдирди, – деди Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Шаран Барроу. – Жаҳон ҳамжамиятининг юртингизда олиб борилаётган ислоҳот ҳамда янгиланишларга бўлган қизиқиш ва эътибори делегациямиз ташрифига туртки бўлди. Бу ердаги тинчлик ва барқарорлик, барча соҳаларнинг изчил ривожланаётгани ҳамда аҳоли фаровонлигининг муттасил ўсиб бораётгани Президентингиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир. Ўзбекистонда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган самарали ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклик, унинг натижаларидан ҳайратим ошди. Мамлакатингизда барча йўналишда, жумладан, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида эришилаётган ютуқлар фахрланишга арзигуликдир.

Делегация раҳбари Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётгани аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги кўплаб масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали таъминлаш имконини яратаётганини таъкидлади.

Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси делегацияси аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмаларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги иштироки, бандликни таъминлашга кўмаклашиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялашдаги фаолиятини юқори баҳолади. Мамлакатимизда касаба уюшмаларига бирлашиш эркинлиги тўла таъминлангани, корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари амал қилаётгани ва улар катта самаралар бераётгани, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг халқаро ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Делегация вакиллари "Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи" акциядорлик жамиятида бўлиб, ишчи-ходимлар учун яратилган муносиб меҳнат шароитлари билан танишди. Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Канада, Жанубий Корея, Япония сингари давлатларнинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган мазкур завод мамлакатимиз темир йўл соҳаси ривожида алоҳида ўрин тутади. Завод ишчи-ходимлари учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратилган. Уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқариш ҳажми ошишида муҳим омил бўлмоқда.

– Меҳнат жамоалари билан учрашувлар чоғида ишчиларнинг кайфияти юқори эканига гувоҳ бўлдик, – деди Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси Умумевропа минтақавий кенгаши ижрочи котиби Антон Леппик. – Бу давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, жамоадаги соғлом муҳитни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарасидир. Таъкидлаш зарурки, меҳнат жамоаларида яратилган шарт-шароитлар ходимлар фаровонлиги ва ишлаб чиқариш унумдорлигини таъминлайди.

Делегация аъзолари Самарқанд вилоятида ҳам бўлиб, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида ишчи-хизматчиларнинг эркин ва хавфсиз меҳнат қилиши, дам олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Юқори сифатли маҳсулотлари билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам муносиб ўрин топган "СамАнтепгилам" масъулияти чекланган жамиятида ходимлар учун хавфсиз ва ижтимоий кафолатланган меҳнат шароити яратилгани, ишлаб чиқариш жараёни замонавий технологиялар асосида олиб борилаётгани меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, жамоа шартномалари орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, маиший ва дам олиш шароитларини яратиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ўзига хос тажриба эътироф этилди.

Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси вакиллари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейда педагоглар фаолияти учун яратилган шароитлар билан танишиш баробарида замон талабларига мос таълим жараёнларига ҳам гувоҳ бўлди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат давомида тарихан қисқа вақтда давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун яратилган шароитларни юқори баҳолади.

– Ўзбекистонда кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар билан бирга, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам изчил ишлар олиб борилаётгани эътиборга молик, – деди Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Ш.Барроу. – Бу инсон манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бир қатор корхоналарда касаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан яратилган шароитлар билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Шу жиҳатдан, бугун жаҳонда давом этаётган иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий шерикликни бошқа мамлакатлар учун намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Делегация аъзоларининг касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувларида мамлакатимизда меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ижтимоий шериклик асосида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Учрашувлар давомида томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашиб олди.

Беҳзод БОЗОРОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбирлари

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маълумки, жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади. Шунинг учун маҳаллага бош бўладиган, уни масъулиятли ва айни пайтда савобли ишларга сафарбар қила оладиган, маҳалладаги муаммо ва камчиликлардан яхши хабардор бўлган инсон – маҳалла оқсоқолини танлаш ва сайлаш масаласи бугунги куннинг долзарб мавзусига айланган.

Бинобарин, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, юртимизда тинчлик ва тотувлик, осойишталик ва барқарорлик, ободончилик ва фаровонликнинг таъминланишида, халқимизнинг хотиржам ва самарали меҳнат қилишида маҳалланинг салмоқли ўрни бор. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир. Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда. Маҳалла тарбия ўчоғидир. Юриш-туриш, одоб-ахлоқ, жамики фазилатларни ёшлар аввало маҳалладан, аниқроғи, ота-оналари, қўни-қўшнилари, табаррук отахонлари, дуогўй онахонларидан ўрганадилар. Шунинг учун биз маҳаллий бошқарувнинг дастлабки ва муҳим бўғини – маҳаллаларга катта эътибор бермоқдамиз". Ҳақиқатан ҳам маҳалла бугун давлатимизнинг, ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. У халқчил, ўзини ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг вазифаларини уддалашга қодир эканини амалда исбот этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ана шундай маҳаллага бош бўладиган бугунги куннинг оқсоқоли ўз зиммасига қандай вазифалар олаётганлигини, бу лавозим унга қандай масъулият юклаётганлигини яхши тушуниб олиши керак ва қонунда назарда тутилган ваколатлари доирасида қуйидаги ишларни ташкил қила олишга қодир бўлиши керак:

Биринчидан, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ушбу мақсадда марказлаштирилган тарзда ажратиладиган давлат маблағларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мақсадли ва самарали фойдаланилишни таъминлаш, жумладан, кам таъминланган оилаларга уларнинг уйларини таъмирлашда, шунингдек коммунал хизматлари ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрийлик асосида жисмоний шахслардан маблағ йиғиш, юридик шахсларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисидаги ишларни ташкил қила олиш.

Иккинчидан, ўзига тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилишини, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, хусусан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектлари, масалан, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш бўйича устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларни ташкил этиш ёки тугатиш бўйича, оилавий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш юзасидан ташаббус кўрсатиш.

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини кўриш ва бундай масалалар юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, шунингдек, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни ташкил қилиш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уйлар ва ҳовлиларни намунали сақлашга доир ишларни ихтиёрийлик асосида ташкил этиш.

Тўртинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал қилишни ташкил қилиш, фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулоддда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш.

Бешинчидан, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни ташкил этиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир масала маҳалла оқсоқоли зиммасига ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифалар қўйилаётганлигидан дарак беради. Умуман олганда бундай кенг қамровли ишларни бажара олишга қодир инсон нафақат тажрибали ва салоҳиятли киши, айни пайтда жисмоний жиҳатдан ҳам муайян талабларга жавоб бера олиши керак. Бинобарин, ҳозирги замон оқсоқоли маҳалла, оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлашда ва албатта фаровонлигини таъминлашда асосий ўрин тутадиган шахслардан ҳисобланади.

Маҳалла оқсоқоли маҳалланинг ҳар бир аъзоси ҳақида, унинг юриш-туриши, нима иш билан машғул эканлиги ва керак бўлса ўзига яраша муаммолари ҳақида ҳам хабардор бўлиши талаб қилинади. Чунки, жамиятда баъзи кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг ўз йўлини топа олмай турли диний экстремистик ва бузғунчи оқим ва гуруҳлар таъсирига тушиб қолишини, одам савдоси қурбонига айланишини, гиёҳвандлик йўлига кириб қолишининг олдини олишда ҳам маҳалла оқсоқоли муҳим роль ўйнаши лозим. Зеро, замонавий оқсоқол ўз маҳалласининг пасту баландини яхши биладиган, муайян ҳаётий тажрибага эга бўлган ва аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда ташкилотчи инсон бўлиши керак.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти

ЗАМОНАВИЙ ОҚСОҚОЛ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Хусусан бунда барча соҳада фаолликка интилаётган хотин-қизларнинг ҳам ҳиссалари ортиб бораётгани эътиборга сазовордир. Бу борада қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар хотин-қизларнинг истеъдод ҳамда имкониятларини намоён этишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Айни пайтда юртимиз аёллари оила ҳамда фарзанд тарбиясидаги масъулиятни унутмаган ҳолда давлат қурилишида ҳам фаол иштирок этиб, тадбиркорлик ва иқтисодий соҳа тараққиётига ҳисса қўшиш баробарида, илм-фан ривожида ўз иқтидорларини намоён этмоқдалар.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШАДИ

Хусусан, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробарга ошиб, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини аёллар бошқараётгани фикримиз далилидир.

Пойтахтимиздаги Халқаро савдо марказида O'zLiDeP сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси томонидан "Кичик бизнеснинг оилавий тадбиркорлик шакли — аҳоли бандлиги ва турмуш даражаси ҳамда ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминлашнинг муҳим омили мавзуида ташкил этилган тадбирда ҳам айнан юқоридаги фикрлар таъкидлаб ўтилди. Унда республикамизнинг энг илғор, ташаббускор, ишбилармон, тадбиркор ва фермер опа-сингиллар иштирок этди. Хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кучайтириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда аёлларнинг фаол иштироки, партия томонидан ташкил этилаётган турли лойиҳаларни янада оммалаштириш, оилавий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш орқали тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш ва оилалар фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш масаласига кенг эътибор қаратилган.

Жумладан, "Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага" лойиҳаси асосида минглаб аёлларнинг бандлиги таъминланди. 2012-2015 йиллар давомида ушбу лойиҳа доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда қатнашган 1248 нафар хотин-қизларга партия кўмагида тижорат банклари томонидан 20 млрд. сўмга яқин кредит ажратилган.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда хотин-қизларнинг оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши, ўз бизнесларини йўлга қўйишда яқиндан кўмак бериш, аёллар бандлигини таъминлаш, банклар томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилаётгани ҳам хотин-қизларга катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

— Шуни мамнуният билан айтиш лозимки, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратиляпти. Мен ҳам ана шу эътибордан унумли фойдаланиб, ўз тадбиркорлигимни йўлга қўйдим, — дейди "Асадбек зиё нур" хусусий корхонаси раҳбари Зебо Рустамова. — Иш фаолиятимни янада кенгайтиришимда, янги иш ўринларини яратишимда O'zLiDePнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Сабаби, 2015 йилда "Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага" номли лойиҳада қатнашиб, тижорат банкдан 50 млн. сўмлик кредит олиб, атлас, адрас ва ипак матоларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех фаолиятини йўлга қўйдик. Дастлаб 4 нафар ишчи билан миллий каштачилик бўйича ишимни бошлаган бўлсам, ҳозирда уларнинг сони 9 нафарга етди. Улардан 4 нафарини коллеж битирувчилари ташкил этади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз билан нафақат ички бозорни, балки ташқи бозорларни ҳам таъминлаб келаяпмиз. Келгусида режаларимиз катта, фаолиятимизни янада кенгайтириш баробарида аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг касб-ҳунар эгаллашига, бандлигини таъминлашга, шу билан бирга уларни оилага тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Давра суҳбати давомида тадбиркор аёллар ўзларининг илғор тажрибалари, вақтлар синовидан ўтган иш услублари ва улар асосида эришаётган ютуқлари хусусида ҳам фикр алмашишди. Шу билан бирга уларнинг маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Оқил Гуломов олган сурат

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ЯНГИ ТИББИЁТ ХОНАСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Соғлом она ва бола йили ҳамда Жаҳон саломатлик кунига бағишланган маърифий тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу йўналишдаги амалий чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтирди. Ушбу қарор асосида қабул қилинган дастурга кўра Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида соғлом оила қуриш, гўдакларнинг соғлом туғилиши, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Қўмита томонидан таълим масканларида тиббиёт хоналари ташкил этилиб, зарур жиҳоз ва тиббий ускуналар билан таъминланмоқда. Мазкур тиббиёт хоналари ўқувчилар ва мактаб педагогик жамоасига бирламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш, тиббий маданиятни юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тадбир доирасида Миробод туманидаги 57-ихтисослаштирилган мактабда намунали тиббиёт хонасининг очилиши бўлиб ўтди.

– Саломатлик ҳар бир инсон учун тенгсиз бойликдир, – дейди мактаб директори Светлана Железнякова. – Мактабимизда ақлий ривожланиши, таянч-ҳаракат аъзоларида хасталиклари бўлган болалар билим олади. Янги ташкил этилган тиббиёт хонаси уларнинг саломатлигини доимий назорат этиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Шу куни Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида уй бекалари, тиббиёт ходимлари, талаба-қизлар иштирокида спорт мусобақаси ўтказилди. Касб-ҳунар коллежи ўқувчи-қизларидан иборат "Тўмарис" жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

(ЎзА)

ОРАСТАЛИГУ ОҚИЛАЛИКДА БАРЧАГА НАМУНА

Фахр билан айтиш жоизки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтидорларини янада шакллантириш борасида изчил ишлар самарадорлиги кучайтирилиб, ёш авлодни 12 йиллик узлуксиз таълим билан тўла қамраб олиш ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарали натижалар бермоқда.

Чилонзор туманидаги 183-умумтаълим мактабида тумандаги умумтаълим мактабларнинг 8-9-синф ўқувчилари ўртасида "Ораста қизлар" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Туман Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил қилинган тадбир ўқувчи-қизларда экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, оиласи, маҳалласи, атроф-муҳитнинг тозалигига эътиборни кучайтириш, ижтимоий фаолликни ошириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш, эъзозлаш, оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари мақсадида ўтказилди.

